

ЛЎҲЛИКЎЛНИНГ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИ

Raximov Asror Eshonqulovich,

Axborot texnologiyalari va menejment universiteti, PhD.

e-mail: sardormuhammadali94@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0007-0116-265X>

Аннотация

Совет ҳукумати томонидан XX асрнинг 50–60-йилларида Қашқадарё ҳавзасида бунёд этилган ирригация иншоотларидан бири Лўхликўл (Қамаши сув омбори) ва Чимқўрғон сув омборларининг қурилиш тарихи ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Қамаши, Чимқўрғон, сув, чўл, лойиҳа, канал, сув омбори, ирригация.

Аннотация

Рассказывается об одном из ирригационных сооружений, построенном советским правительством в Кашкадарьинском оазисе в 50-х годах 20 века, об истории строительства Камашинского водохранилища.

Ключевой слова: Ключевые слова: Қамаши, Чимқурган, вода, пустыня, проект, канал, водохранилище, орошение.

Annotation. It tells about the history of the construction of the Kamashi reservoir, one of the irrigation structures built by the Soviet government in the Kashkadarya oasis in the 50s of the 20th century.

Key words: Kamashi, Chimkurgan, water, desert, project, canal, reservoir, irrigation.

Қашқадарё вилоятидаги Қамаши сув омбори вилоятдаги ягона туман номи билан аталувчи сув омбор ҳисобланади. Қамаши сув омбори кичик ҳажмдаги сув омборлари турига кирсада, унинг туман хўжаликларидаги экин майдонларини суғоришини совет ҳокимияти аҳамиятли деб билган.

Қамаши сув омбори (Лўхликўл) қурилишининг лойиҳаси дастлаб 1943 йилда “Узгипроводхлопком” томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, 1943 йил 14 декабрда Ўзбекистон ССР Наркомводхоз (Халқ сув хўжалиги) томонидан тасдиқланган[1]. Аммо, лойиҳани амалга оширишга Иккинчи жаҳон уруши ҳалақит берган бўлса керак, лойиҳа урушдан сўнг Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги вазирлигининг 1950 йил 19 октябрдаги 163-сонли фармойиши[2] билан сув омбор қурилишининг дастлабки лойиҳаси мутахассислар томонидан қайта кўриб чиқилиши лозимлиги қайд этилган.

1951 йил Қамаши сув омборининг қайта ишланган техник лойиҳаси Сув хўжалиги вазирлигининг кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, бир қатор ўзгаришлар (сув омборининг ҳажми 1943 йилдаги лойиҳада 9,2 миллион кубометр деб кўрсатилган бўлса, янги лойиҳада сув омбор ҳажми 17 миллион кубометр) билан тасдиқлаш учун тавсия қилинган. Ўзгаришлар киритилгандан сўнг, техник лойиҳа 1954 йил 8 сентябрда Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги вазири томонидан тасдиқланган[3]. Дастлаб, 1954 йилдан Қамаши сув омборининг қурилиши, вилоятнинг турли қурилиш ташкилотларининг ёрдами билан бошланган бўлса-да, кейинчалик иш “Чимқурганстрой” (Чимқўрғонқурилиш) бошқармаси томонидан давом эттирилган[4]. Қамаши сув омбори туман марказидаги темир йўл станциясидан 5-6 километр узоқликда жойлашган табиий ботиқ Шўрчисойда қурилган бўлиб, унинг умумий жамғарма сув миқдори 17,6 миллион кубометрни, юза қисми эса 1,8 миллион квадрат метрни ташкил этган[5]. Сув омбори Яккабоғ дарёсидан сув олувчи Қорабоғ канали[6] орқали йилнинг апрель-июль ойларида тўлдирилади[7]. Қамаши сув омбори тўғонининг узунлиги 900 метр, дастлабки баландлиги 10 метр бўлган ва унинг ўртача чуқурлиги 6 метр, майдони сув билан тўлган вақтида 390 гектарни ташкил этган[8]. 1957 йилда сув омбори 8,5 миллион кубометр сув тўплаган, 1958 йилда сув ҳажми 14 миллион кубометрни ташкил этган[9].

1958 йилдаги Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги комиссиясининг (раиси Е.П. Фризен ва И.П. Сухоруков) хулосасига кўра, сув омбори қурилишида жами 3987,57 минг сўм ишлатилгани аниқланган бўлиб, баъзи камчиликларни 1959 йилнинг 1 май санасига қадар кечиктирмасдан тугатиш зарурлигини қайд этган ҳолда сув омборини фойдаланишга қабул қилиш мумкин деб ҳисоблаган[10].

Қамаши сув омборининг қурилиши билан бир қаторда вилоятдаги энг йирик сув омборларидан бири бўлган Чимқўрғон сув омборининг қурилиш ишлари ҳам Қашқадарёнинг ўрта оқимида, Қамаши тумани ҳудудида 1957 йилдан бошлаб юборилган[11]. Ҳукумат 1956 йилда Қашқадарё ўзанида Чимқўрғон сув омборининг қурилиши тўғрисида қарор қабул қилган[12]. Қурилиш ишлари “Средазгипроводхлопка” лойиҳаси бўйича бошланган бўлиб, бу иншоотнинг лойиҳа муаллифлари А.В. Петров ва Г.И. Прозоров[13], қурилиши А.Я. Шербаков бошчилигидаги қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари зиммасига юклатилган[14]. Дастлаб, Чимқўрғон сув омборини қуриш орқали ҳукумат вилоятда 2,5 минг гектардан ортиқ майдонни суғоришни режалаштирган[15]. 1960 йилда Чимқўрғон сув омбори биринчи навбати ишга туширилган ҳамда 1963 йилда сув сақлаш ҳажми 500 миллион кубометр бўлган Чимқўрғон сув омбори қуриб битказилган[16].

Чимқўрғон сув омбори ишга туширилган йилда унга туташ майдонлардан 200 гектарга яқин майдон ўзлаштирилиб қишлоқ хўжалиги ҳисобига киритилган, Қарши чўлида 140

гектар ер ўзлаштирилиб чигит қадалган[17]. Чимқўрғон сув омборига Эски Анхор каналининг янги ўзанидан Зарафшон дарёсининг суви ҳам келиб қўшилган [18]. Бу эса сув омборида сув ҳажмининг ошишига сабаб бўлган. Чимқўрғон сув омбори Қашқадарё воҳасининг ўрта, айниқса, Қарши чўлидаги хўжаликлар пахтачилигининг ривожланишига ҳисса қўшган.

Бундан ташқари, Қамашини туманида кичик миқдорда сел сувларини сақловчи сув омборлари: Қорабоғ селхонаси (сув сиғими 4 миллион кубометр), Лангар селхонаси (сув сиғими 9 миллион кубометр). Мазкур селхоналарнинг қурилиши 1974 йилда тугалланган бўлиб, туманда каналлар қурилиши ҳам олиб борилган. Масалан, Қамашини туманидаги Ниёзли ва Чим каналлари[19]. Номлари қайд этилган сув иншоотлари халқ хўжалигида, айниқса, Қамашини туманидаги қишлоқ хўжалиги экинларини вегетация даврида сув билан таъминлашда аҳамиятли бўлган.

Қамашини сув омборининг дамбаси (тўғон) 1962 йилда қайта реконструкция қилиниб, 3 метрга кўтарилган[20]. 18 миллион кубометрга яқин сув сиғимига эга бўлган Қамашини сув омборининг ишга туширилиши [21], туман ҳудудидаги ерларни суғориш имкониятини оширган. Шунингдек, мазкур сув омборининг ишга туширилиши вилоятдаги энг йирик сув сақлаш имконига эга бўлган Чимқўрғон сув омборининг сувидан Қарши чўли ҳудудидаги экин майдонларини суғоришда қисман аҳмиятли бўлган. Чунки, Қамашини сув омборининг суви тумандаги 5 минг гектар экин майдонларини сув билан таъминлаган[22] бўлиб, Чимқўрғон сув омборидаги сув захирасининг маълум бир қисмини Қамашини туманидаги экин майдонларига эмас, Қашқадарё ўзани орқали Қарши чўлига йўналтириш имкон берган.

Қамашини туманидаги тоғ ва тоғ олди адирларида қишлоқ аҳолиси, асосан, чорвачилик билан шуғулланган. Уларнинг хўжалик ҳаётида чорвачилик муҳим соҳа ҳисобланган. Қамашини сув омбори қурилмасдан аввал унинг ўрни бўлган Шўрчисой ва унинг ён атрофи аҳоли чорвасини боқиши учун ўтлоқлар бўлган.

Масалан, Қамашини сув омбори ўрнида 1937 йилидан то 1955 йилга қадар чўпонлар – Шомуродов Раҳим ва Жалилов Салим (Қамашини туманидаги Қўтонбой қишлоғидан) тумандаги “Йўлдош Охунбобоев” номли колхознинг чорва молларини боқишган[23]. Коммунистлар ўзларининг тор доирадаги манфаатларини кўзлаб, маҳаллий аҳолининг асрлар давомида шаклланган хўжалик ҳаёти, маданияти, экологияси, иқтисодиёти ва ўзига хос турмуш тарзини илмий жиҳатдан чуқур таҳлил этмаган, эътиборга олмаган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. ЎзМА, 2783-жамғарма, 1-рўйхат, 1109-йиғма жилд, 119-варақ.
2. ЎзМА, 2783-жамғарма, 1-рўйхат, 1109-йиғма жилд, 119-варақ.
3. ЎзМА, 2783-жамғарма, 1-рўйхат, 1109-йиғма жилд, 119-варақ.

4. ЎзМА, 2783-жамғарма, 1-рўйхат, 1109-йиғма жилд, 120-варақ.
5. ЎзМА, 2783-жамғарма, 1-рўйхат, 1109-йиғма жилд, 119-варақ.
6. ЎзМА, 2783-жамғарма, 1-рўйхат, 1109-йиғма жилд, 118-варақ.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 том. – Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.-Б. 592.
8. Ғуломов Ҳ. Ҳавзалар ва балиқлар. – Тошкент. Фан, 1981. – Б. 9.
9. ЎзМА, 2783-жамғарма, 1-рўйхат, 1109-йиғма жилд, 121-варақ.
10. ЎзМА, 2783-жамғарма, 1-рўйхат, 1109-йиғма жилд, 123-варақ.
11. Миронов. Ю., Азизов. А. Ленин декрети билан // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – № 5. Май, 1968. – Б. 2-6.
12. Сиддиқов. Ш. Чимқўрғон чашмаси // “Ўзбекистон колхоз-совхоз ишлаб чиқариши” журнали. – № 8. Август, 1963. – Б. 34-37.
13. Ирригация Узбекистана. Том I. – Ташкент. Фан, 1975. – С. 206.
14. Тошев Х. Қашқадарёда ирригация ишлари. – Тошкент. Ўзбекистон, 1975. – Б. 14.
15. Маълумотнома // “Қашқадарё ҳақиқати” газетаси. – №11. 16 январь, 1955. – Б. 1.
16. Сиддиқов. Ш. Чимқўрғон чашмаси // “Ўзбекистон колхоз-совхоз ишлаб чиқариши” журнали. – № 8. Август, 1963. – Б. 34-37.
17. Сиддиқов. Ш. Кураш бошланди // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – № 6. Июнь, 1966. – Б. 38-39.
18. Тошев Х. Қашқадарёда ирригация ишлари. – Тошкент. Ўзбекистон, 1975. – Б. 13.
19. Қориев М. Ўзбекистон сув омборлари. – Тошкент. Ўзбекистон, 1969. – Б. 76.
20. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 том. – Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.-Б. 592.
21. Ирригация Узбекистана. Том I. – Ташкент. Фан, 1975. – С. 206.
22. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 том. – Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.-Б. 592.
23. Дала ёзувлари, 2023 йил. Қамаш тумани Қўтонбой қишлоғи. Маълумот берувчи: Шерматов Н. (85 ёшда).